

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси бакалаврият ва
магистратурасига
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
Низомга 3-илова**

**Масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда шахсий идентификация
ва прокторинг ёрдамида тест ўтказиш
Қоидалари**

1. Талабгор мустақил равишда тизимда рўйхатдан ўтади ва прокторинг ёрдамида ўтказиладиган тест синовлари шартлари билан олдиндан танишади (кейинги ўринларда – Тест тизими).
2. Проктор – тест олишни назорат қиладиган ва ректор буйруғи билан тайинланадиган Академия ходими.
3. Талабгор Тест тизимига кириш қайд варақаси реквизитларини учинчи шахсга тақдим этмаслик мажбуриятини олади.
4. Талабгор Тест тизимининг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт:
 - а) етарли даражадаги ёруғлик;
 - б) паст шовқин даражаси;
 - в) шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги;
 - г) видео ва аудио сигналлар узатилишига халақит берувчи тўсиқларни бартараф этиш;
 - д) фойдаланувчининг дастурий таъминотларга қўйилган техник талабларни бажариши;
 - е) Тест тизимида видео ва аудио сигналлар узатилишининг техник имкониятларини синовдан ўтказиш.
5. Кириш имтиҳонида қатнашиш учун талабгор шахсни идентификация қилиш жараёнидан ўтади:
 - а) Талабгор идентификация учун ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслидан фойдаланиши керак;
 - б) Компьютер видео-камерасига шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш;
 - в) Талабгорнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатини фото суратга олиш;
 - г) Онлайн кузатув тизимида фото суратни прокторга юбориш.
6. Талабгор онлайн кузатув тизимида кўрсатилган шахсни тасдиқловчи ҳужжат эгаси эканлигини биринчи киришдаёқ Тест тизими қайдномасида тасдиқлайди.
7. Талабгор тест топшириш вақтида видео-камера объективкаси тасвирини тарқ этмаслик мажбуриятини олади.

8. Талабгор тест топшириш вақтида микрофонни ўчирмаслик ва унинг товуш сезгирлигини пасайтирмаслик мажбуриятини олади.

9. Талабгор тест топшириш вақтида тасвирларни акс эттиришнинг фақат битта воситасидан (монитор, ТВ, проектор), битта клавиатура ва битта манипулятордан (компьютер сичқончаси, трэктоинт ва б.) фойдаланиш мажбуриятини олади.

10. Талабгор тест топшириш вақтида учинчи шахслар ёрдамидан фойдаланишга ҳақли эмас.

11. Талабгор ўз диққат эътиборини компьютер экрандаги ёки топширик варақасидаги вазифаларни бажаришга қаратиши керак, бунда видео-камера объективкасидан ташқарида бўлган нарсаларга узок вақт эътибор қаратмаслик керак.

12. Талабгор тест топшириш вақтида учинчи шахсларнинг компьютерига киришга рухсат беришга ҳақли эмас.

13. Талабгор тест топшириш вақтида учинчи шахслар билан мулоқот қилишга, фойдаланадиган асосий компьютер техникаларидан ташқари, маълумотли материаллардан (китоблар, ёзувлар ва б.), ҳар қандай гаджетлардан (мобиль алоқа воситаларидан, пейжерлар, планшетлар ва б.), кулоқ чинлар, кўшимча мониторлар ва компьютер техникаларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

14. Талабгор прокторнинг кўрсатмаларини бажаришга мажбур.

15. Проктор тест топшириш тартиб қоидалари бузилганда уни тўхтатишга ҳақли.

16. Талабгор тест топшириш вақтида видео ва аудио ёзувлар амалга оширилишига рози.